

Казбеков Жусипбек Сидикбекович

2018 йил 23 ноябрдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

Туғилган йили: 15.04.1973

Туғилган жойи: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри

Миллати: қорақалпоқ

Партиявийлиги: йўқ

Маълумоти: олий

Тамомлаган: 1995 й. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, 2001 й. Колорадо штати университети (магистратура, АКШ)

Маълумоти бўйича мутахассислиги: муҳандис-гидротехник, сув ресурсларини бошқариш

Илмий даражаси: техника фанлари номзоди

Илмий унвони: йўқ

Қайси чет тилларини билади: рус, инглиз тиллари

Давлат мукофотлари билан тақдирланганми (қанақа): йўқ

Халқ депутатлари республика, вилоят, шаҳар ва туман Кенгаши депутатими ёки бошқа сайланадиган органларнинг аъзосими (тўлиқ кўрсатилиши лозим): йўқ

МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

1990-1995 йй. - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси

1995-1998 йй. - Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
"Сув ресурсларидан мукамал фойдаланиш" кафедраси изланувчи-тадқиқотчиси, катта лаборанти

1997-1997 йй. - Исроил Давлатининг Иерусалим университети "Ер ости сувларини бошқариш" мавзусидаги халқаро курси тингловчиси

1998-2001 йй. - Колорадо Штати университети магистратураси талабаси (АҚШ)

2001-2004 йй. - Тошкент ирригация ва мелиорация институти "Гидравлика" кафедраси аспиранти, Гидроинформатика ва сув ресурслари ўқув маркази директори

- 2004-2006 йй. - Тошкент ирригация ва мелиорация институти Сув ресурслари ахборот таҳлил хизмати директори ва "Гидравлика" кафедраси ўқитувчиси
- 2006-2015 йй. - Ўзбекистондаги Қурғокчилик худудларда қишлоқ хўжалиги тадқиқотлари халқаро маркази (ИКАРДА) Ўрта Осиё ва Кавказ Орти давлатлари бўйича минтақавий ваколатхонаси катта илмий ходими
- 2015-2018 йй. - **Марказий Осиё минтақавий экологик маркази халқаро нодавлат нотижорат ташкилотининг Ўзбекистондаги филиали сув дастурлари бўйича координатори**
- 2018 й. - ҳ.в. - **Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг экология ва Оролбўйи ҳудудини ривожлантириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари**